

ларни нажаси билан уларнинг тухумлари ташки мухитга тушади ва атрофдаги ўт, сувларни ифлослантиради. Паразитнинг тухумлари билан ифлосланган сувни ичган ёки ўтти еган қўзилар ценурозга чалинади. Қўзиларда ценурознинг белгилари 17-21 кун ичида пайдо бўлади ва улар кун сайин мураккаблашиб бориб қўзилар туролмай қолади ва улади ёки мажбурий сўйилади.

Ценурозни асосий таркатувчиси итлар бўлганлиги туфайли қарши кураш тадбирлари кўпроқ итларга қаратилиши зарур. Бунинг учун итлар мунтазам йилига 6-8 марта махсус ажратилган майдончаларда гижасизлантирилади ва нажаслари йиғиб олиниб қуйдирилади ёки қўмиб тахланади. Бу мураккаб жараён ҳисобланиб ҳамма жойларда, айниқса яйловлар- да ўтказиш қийинчилик туғдиради.

Шуни ҳисобга олиб касалликни олдини олишида вакцинадан фойдаланиш йўллари тўғрисида изланишлар олиб бордик. Изланишларимиз натижасида ценуроз касаллигига қарши вакцина яратилди. Бу биринчи паразитозларга қарши вакциналардан ҳисобланади. Вакцина културал бўлиб паразитнинг личинка ва тухум-

ларини 48 соат давомида махсус №199 мухитда термостатда +37° ҳароратда икки кун ўстирилади. 2 кундан кейин термостатдан олиниб формалиннинг 0,3 фоизли эритмаси билан фаол-сизлантирилади. Вакцинанинг эмлаш миқдори 1,0 мл бўлиб, таркибида 2000 дона тухум ёки личинкага зга. Бу миқдорда жами 5,28 мг оқсил мавжуд. Вакцина гўшт қатламига юборилади.

Тажрибалар шуни кўрсатдики юборилади-ган 1,0 мл вакцина таркибида паразит личинкаси ёки тухум миқдори 2000 донадан кам бўлмаслиги ва қўзиларнинг ёши 1,5 - 2,0 ойликдан юқори бўлмаслиги зарур талаблардан ҳисобланади. Кўрсатилган схемада вакцина эмланганда унинг самарадорлиги 90 - 95 фоиздан кам бўлмади.

Вакцина лаборатория синовлардан муваффақиятли ўтди ва 1989 йилдан бошлаб ишлаб чиқаришда қўлланилмоқда. Вакцина Ўзбекистондан ташқари Туркменистон, Тожикистон ва Қозғистонда қўлланилди. Жами бўлиб ўтган йиллар давомида 2 млн дан кўпроқ қўзилар эмланди. Вакцинанинг самарадорлиги ишлаб чиқариш шароитида 95,0 - 98,0 фоиздан кам бўлмади.

УДК: 619:616.576.895.1

ИТЛАРНИ ТОҒ ВА ТОҒ ОЛДИ МИНТАҚАДА ЦЕСТОДЛАР БИЛАН ЗАРАРЛАНИШИНИ ЎРГАНИШ

Аминжонов Ш.

Самарканд қишлоқ хўжалик института

Ҳайвонлар ва одамлар орасида эхинокок-

коз ва ценурозларни тарқалишига итлар асосий сабабчи ҳисобланади. Итлар уй ва бошқа ёввойи итсимонлар оиласига мансуб ҳайвонларга нисбатан эхинококкоз ва ценуроз касалликларни чакирувчиларига мойиллиги юқори ҳисобланади.

Шу нуктаи назардан юқорида зикр этилган касалликлардан носоғлом бўлган Қашқадарё ви-лоят Дехқонобод туманига қарашли «Ойбек» номли ширкат хўжалигида аҳоли ва сурув итлар цестодозларга текширувдан ўтказилди. Жами 33 бош итлар назоратдан ўтди. Улардан 28 - таси сурув ва 5 - таси қишлоқ итлари эди. Итларни

ёши бир ёшдан 6 гачани ташкил этди.

№	Итларнинг эгаларини исми ва фамилияси	Итларни ёши	Итларни касби	Гижасизлантириш натижалари		
				Мултицепс-лар	Эхинококк-лар	Тени гидатигенлар
1.	Омонов Рустам	2	Чупон	-	-	
2.	Омонов Рустам	3		-	-	
3.	Улугов Жума	1	Оддий ишчи	+	-	
4.	Нормуминов Норали	4	Чупон	+	-	+
5.	Нормуминов Норали	5			+	
6.	Нормуминов Норали	1			+	+
7.	Поенов Хужан	2	Чупон		-	
8.	Қучаров Эшмамат	3	Оддий ишчи		-	
9.	Поенов Шойдинбобо	5	Чупон		+	
10.	Поенов Шойдинбобо	6			-	
И.	Поенов Шойдинбобо	4			-	
12.	Поенов Шойдинбобо	1			-	
13.	Эшбеков Нурали	5	Чупон		-	
14.	Эшбеков Нурали	3			-	
15.	Эшбеков Нурали	1		-	-	
16.	Исмадуллаев Хуррам	1	Чупон	-	-	
17.	Исмадуллаев Хуррам	2		+	+	

№	Итларнинг эгаларини исми ва фамилияси	Итларни ёши	Итларни эгаси-ни касби	Гижжасизлантириш натижалари		
				Мультицепслар	Эхинококклар	Тени гидатигенлар
18.	Давронов Олим	3	Оддий ишчи	-	+	-
19.	Давронов Олим	1		-	-	-
20.	Гаффоров Исмоил	2	Чупон	+	+	-
21.	Гаффоров Исмоил	1		-		+
22.	Назаров Абдурасул	4	Чупон	-		-
23.	Назаров Абдурасул	1		+		+
24.	Назаров Абдурасул	2		+	+	-
25.	Бобоноров Абдусаттор	3	Чупон	-		-
26.	Бобоноров Абдусаттор	2		-		-
27.	Бобоноров Абдусаттор	1		+		-
28.	Тошматов Исмоил	4	Чупон	+		-
29.	Тошматов Исмоил	2		+		+
30.	Мейлиев Мурод	2	Чупон	+		+
31.	Мейлиев Мурод	2		+		+
32.	Мейлиев Мурод	2				-
33.	Узоков Шеробод	1	Оддий ишчи	-	-	-

Текширувдан утган 33 бош итлардан 11 - тасида мультицепслар, 7 - тасида эхинококклар ва 8 - тасида тени гидатигенлар кузатилди.

Демак, итлар 33,0 фоизга мультицепслар билан, 21,2 фоизга эхинококклар ва 24,2 фоизга тени гидатигенлар билан зарарланганлиги аникланди.

Жумладан, 28 - та сурув итлардан 10 тасида мультицепслар, 7 - тасида эхинококклар ва 7 - тасида тени гидатигенлар топилди. Қишлоқ итлардан 5 - тасидан биттасида эхинококклар- дан бошқа цестодлар кузатилмади.

Сурув итларни мультицепслар билан 35,7 фоизга, эхинококклар ва тени гидатигенлар билан

25,0 фоиздан зарарланган хисобланади. Шундай қилиб, тоғ ва тоғ олди ҳудудларда итлар цестодлар билан юқори даражада зарарланган бўлиб мультицепслар билан ўртача 33,0 фоизни, эхинококклар билан - 21,2 фоизни ва тени гидатигенлар билан - 24,2 фоизни ташкил этди.

Итларни юқори даражада цестодлар билан зарарланганлиги бу ҳудудда қўй ва қорамолларни эхинококкоз ва ценурозларга ча- линишига имконият борлигига гувоҳлик беради.

Зикр этилган касалликларни янги, безарар тадбирларни ишлаб чиқиш давр талаби деб хисобланади.

УДК: 636.619.3.616

ВЛИЯНИЕ «ОВАРИОТРОПИНА» НА ВОСПРОИЗВОДИТЕЛЬНУЮ ФУНКЦИЮ КОРОВ

Ата-Қурбанов Ш.Б., Норбаев К.Н.

Самаркандский сельскохозяйственный институт

Бесплодие коров наносит большой экономический ущерб животноводству. Многолетние исследования показывают, что в последние годы у коров участилось случай дисфункций яичников, которые приводят к бесплодию и даже к яловости. По нашим данным основными причинами дисфункций яичников являются несбалансированный рацион кормов, недостаточный мотив и неправильная организация воспроизводства. Все это нарушает нейро-гуморальную реакцию полового цикла. В частности нарушается гонадотропная гипоталамо-гипофизарной системы, которая приводит к гипофункции яичников. У таких коров наблюдаются гипострогенные половые циклы или отсутствие феноменов стадии возбуждения. Для лечения гипофункции яичников применяется гонадотропные препараты как ГСЖК гонадостерин, ХГ и другие. Однако они оказываются недостаточно эффективными, а

отдельные из них дорогостоящие.

В целях повышения эффективности лечения гипофункции яичников мы разработали комплексный препарат в состав которого входят гонадотропины СЖК витамины, некоторые аминокислоты и стабилизатор. Препарат соответствует техническим условиям и техническим требованиям, предъявляемым к лечебным и профилактическим фармакологическим средствам. Предварительные исследования и экспериментальные опыты на инфантильных самках белых мышей и инфантильных каракульских ярках показали, что препарат обладает выраженным действием на яичники и по сравнению с нативным СЖК почти не обладает негативными действиями, т.е. не обуславливает патологические фолликулы в яичниках и гиперпластические изменения в матке. Поэтому препарат назвали Овариотропином. В